Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
29 февраль
ШАНБА
№ 18 (13279)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2020 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2020 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 февраль

Пресс-тур

"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти нафақат мамлакатимиздаги, балки минтақадаги энг йирик ва етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Мазкур комбинатга 2026 йилгача жуда катта миқдорда инвестиция жалб этилиб, 2023 йилгача мис ишлаб чиқариш ҳажмини 28 фоиз, рух ишлаб чиқаришни эса 75 фоизга ошириш режалаштирилган.

ОКМК: ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ҲАЁТБАХШ САРМОЯЛАР МАЙДОНИ

Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган "ОКМК: Инвестиция лойиҳаларининг ижроси йўлида" мавзуидаги пресс-турда маълум қилинди.

Тадбирда комбинатни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ишлаб чиқариш жараёнига илғор замонавий технологиялар ва етук мутахассисларни жалб этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани, айниқса, Президентимизнинг 2019 йил 17 январда қабул қилинган "Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастурилламал бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

2

Кўклам нафаси

Ободлик КЎЧАТ ЭКИШДАН БОШЛАНАДИ

Юртимизга кўклам нафаси кириб келди. Шу баҳорга, яна кўкламга етказганига шукр дея бободеҳқону боғбонлар аллақачон кўчат экиш, дарахтларга шакл бериш сингари юмушларни бошлаб юборишган. Қолаверса, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жойларда уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Шу кунларда вилоятимизнинг қайси гўшасига борманг мана шундай хайрли ишларнинг устидан чиқасиз.

Зуҳриддин РАҲМОНОВ
/ Тошкент ҳақиқати /

Дарҳақиқат, вилоятимизда кўчат экиш акцияси ўзининг қизғин палласига кирган. Маҳаллалар, кўча четлари, ташкилот ва корхоналарнинг атрофи, таълим муассасалари, фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларига турли хил манзарали ва мевали дарахтлар экилмоқда. Қувонарлиси, мазкур хайрли тадбирда барча бирдек фаоллик кўрсатмоқда. Дарвоқе, кун келиб, бугун ерга қадалган ёш ниҳолларнинг меваси ва соясидан баҳраманд бўлганлар уни экканларни дуо қилишади.

– Кўчат экиб, боғ яратиш азалий қадриятларимиздан саналади, — дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Дилноза Назирова. – Ўзимиз яшаб турган жойни обод ва кўкаламзор қилсак, аввало, кўнглимиз шодликка тўлади, қолаверса, турмушимиз файзли ва фаровон бўлади. Буни чуқур англаган туман ҳокимлиги, корхона ва ташкилот мутасаддилари ҳамда аҳоли ҳамкорликда жорий йилда жами 1 миллион 159 минг тупдан зиёд кўчат экишга бел боғлашган.

2

Ҳафтамиз тасвири қисқа сатрларда

Президент Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Сенат "Метрология тўғрисида"ги қонунни маъқуллади.

Халқ таълими вазирлигининг маълумотларига кўра, умумий ўрта таълим мактабларида вариатив ўқув режалари доирасида мажбурий фанлар сони 9 тага оширилди.

Саудия Арабистонида коронавирус тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 3 март куни ўтказилиши белгиланган "Ал-Ҳилол" ва "Пахтакор" ўйини қолдирилди.

Ўзбекистон 2023 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) бошқарув кенгаши йиллик йиғилишини Самарқандда ўтказишни таклиф қилди.

Yoshlar HAQIQATI

Вилоят ҳокимлиги Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича котибияти ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг қўшма лойиҳаси асосида ёшлар ҳаётига оид янги саҳифа ташкил этилди. Лойиҳанинг илк меҳмони Паркент тумани ёшлари бўлди.

4

ИҚТИБОС

Муаммолар ҳар жойда бўлган, бўлмоқда, бўлади ҳам. Аммо, кўплаб камчиликлар мутасаддилар эътиборидан четта қолаётгани ҳам сир эмас. Уларни юзага чиқариш эса оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифасидир. Қуйида "Тошкент ҳақиқати" газетасида вилоят туман ва шаҳар нашрларида акс этган муаммоли чиқишлар, танқидий-таҳлилий мақолалардан иқтибослар келтиришни лозим топдик.

"ОБОД МАНЗИЛЛАРДАГИ АБГОР ОСТОНАЛАР"

"Кўчалар лой, кузда иш қандай қолдирилган бўлса, шу ҳолда "қотиб" қолган аҳволни кўриб, тўғриси кулишни ҳам, куйишни ҳам билолмай ҳайратдан лол қолдик.

... Маҳалла мутасаддиларига "Маҳаллангиздан кимдир ҳашарга бош бўлиш ёки ўзгариш сари бирор янги таклиф билан ташаббус кўрсатдими, шу пайтгача?", дея берган саволимиз қумга сингган сувдай йўқлик қаърига инди."

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ҲАЁТИ
Тошкент вилояти Юқоти Чирчиқ туманининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил, 28 февраль

"МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИ КИМЛАР ТОПТАЯПТИ?"

Бу йил дунё халқлари Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган бир пайтда Ниёзбош қишлоғидаги хиёбоннинг бузиб вайрон қилинаётганини нима деб баҳолаш мумкин? Хотира майдонидаги ёдгорликлар ўз ўрнига қайтариладими ёки ҳайбаракаллачиларнинг ошиғи олчи бўладими?"

O'zbekiston kelajagi buyuk davlat!
YANGIYO'L

2020 йил, 28 февраль

Пресс-тур иштирокчилари корхонанинг инвестиция дастури доирасида амалга оширилиши режалаштирилган қиймати 3 миллиард 349,8 миллион доллар бўлган 5 та йирик лойиҳа билан яқиндан танишдилар.

ОКМК: ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ҲАЁТБАХШ САРМОЯЛАР МАЙДОНИ

Улардан энг йириги – "Ёшлик I" конини ўзлаштириш" лойиҳаси бўлиб, уни амалга ошириш ҳисобига 2 миллиард 676,2 миллион доллар миқдорида инвестиция ўзлаштирилади. Унинг ишга туширилиши натижасида йилига 74 миллион тонна руда қазиб олиш қувватига эга бўлган кон, 1 млн. 200 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш цехи, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш имкониятига эга бўлган янги – 3-сонли Мис бойитиш фабрикаси, 275 минг тонна мис ишлаб чиқариш қувватига эга мис электролизи цехи, 55 минг куб. метр кислород ишлаб чиқариш қувватлари қурилади.

Шунингдек, янги 2-эритиш печи қурилиб, анод ва конвертор бўлими реконструкция қилинади. Бугунги кунда мазкур лойиҳа доирасида 272,5 миллион доллардан зиёд қийматдаги юқори унумли тоғ-кон техникаси импорт қилиниб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 55,4 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги техника ва 5 миллиард сўмлик 36 дона электр асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Шунингдек, мутахассислар қолган лойиҳалар бўйича бажарилаётган ишлар, уларнинг мамлакатимиз металлургия саноатини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси ҳақида атрофлича маълумот беришди.

Дарқақиқат, муҳим аҳамиятга эга мазкур 5 та йирик лойиҳа доирасида 2019-2022 йилларда жами 1 миллиард 455,8 миллион доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиб, рудани қазиб олиш ҳажми 3 бараварга, рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқарилиши қарийб 2 бараварга, экспорт ҳажми 1,6 мартага, бюджетга тушумлар эса 1,3 мартага оширилади. Энг муҳими, 6 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ободлик

КЎЧАТ ЭКИШДАН БОШЛАНАДИ

Таъкидлаш лозимки, ўсимлик олами, айниқса, дарахтлар инсон саломатлигини мустаҳкамлайдиган, кишига маънавий завқ берадиган, атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик барқарорликни таъминлайдиган табиат инъомларидан бири. Қолаверса, дарахтлар ҳаёт учун зарур кислороднинг асосий манбаи ҳисобланади. Мутахассислар тақдим этган рақамларга кўра, бир гектар майдондаги дарахтлар бир кеча-кундузда 220-275 килограммгача карбонат ангидрид газини ютиб, 180-215 килограмм кислород ажратар экан. Бу миқдор ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлашга етади. Содда қилиб айтганда, тўртта дарахт бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Ободлик юмушлари маҳаллаларда ҳам юқори савияда ташкил этилмоқда. Қуйи Чирчиқ тумани "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Маҳалланинг ёшу қариси ниҳолларни ерга қадаш билан банд бўлса, қизлар ва келинчаклар кўча ва хонадонларни супуриб-сидириб, тартибга келтиришмоқда.

– Баҳор кириб келиши билан кўча-кўй, маҳаллаларни обод, озода, саранжом-саришта қилишга жиддий эътибор қаратилади, – дейди маҳалла раиси Ҳазратқул Маматов. – Кўклам арафасида ўтказиладиган ҳашарлар юртимизнинг янада обод бўлиши билан бирга ёш авлодда миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, ўзаро меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, фидойилик, эзгуликка хайрихоҳлик сингари фазилатлар қарор топишида муҳим аҳамият касб этади.

Маҳалла раисининг айтишича, ҳудудда жами 3 минг 220 туп кўчат ўтказиш белгиланган. Бугунги кунгача 400 тупга яқини экиб бўлинди.

– Оммавий ахборот ва ижтимоий тармоқларда негатив фикрларга сабаб бўлаётган кўплаб дарахтларнинг ўзбошимчалик билан ноқонуний кесилиши оқибатида табиатга жиддий зарар етмоқда, – дейди экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш назорати бўйича Нурафшон шаҳар инспекцияси бошлиғи М. Бахтиёров. – Бундай вазиятда муаммони бартараф этиш ва атроф-муҳитни яшиллик билан тўлдириш учун кўчат экиш асосий омилдир. Шу мақсадда, табиатни муҳофаза қилиш бўйича БМТ агентликлари ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ҳар йили кўчат экиш акциялари анъанавий ўтказиб келинади.

Маълумотларга кўра, мавсум давомида вилоятимизда жами 26 миллиондан ортиқ кўчат экиш режалаштирилган. Бу яхши ташаббус, аммо кўчатни шунчаки ўтказиб қўйиш билан иш битмайди. Билъакс, келгусида ниҳолларнинг парваришига алоҳида эътибор қаратиш керак. Зеро, дарахтларнинг гуллаб-яшнаши юртимиз кўркига кўрк қўшиш билан бирга, биз нафас оладиган ҳавонинг мусаффо бўлишига хизмат қилади.

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

(Бошланиши 1-саҳифада)

Талаба кундалигидан

"Мактабда бир ўқувчининг ўз иқтидори билан алоҳида ажралиб туришига йўл қўйилмайди! Иқтидорсиз ўқувчининг ўзи йўқ! Ҳар бир ўқувчи тенг ва бетакрор".

Япон мактаблари қоидаси

ИҚТИДОРСИЗ БОЛА БЎЛМАЙДИ

Маълумки, японлар дунёни илм-фан, техника билан забт этган халқ сифатида эътироф этилади. Уларнинг бундай натижаларни қўлга киритишига болаларни мактаб давриданоқ қобилиятига қараб йўналтириши сабаб бўлган, аслида.

Биздачи... Тан олиш керак, таълимни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга этиши учун давлатимиз томонидан кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аммо, ҳали ечимини кутиб турган муаммолар ҳам талайгина. Масалан, чекка қишлоқларда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш у ёқда турсин, ўқувчилар ҳатто компьютер имкониятларидан тўлиқ баҳраманд бўлмаётгани, эски биноларда жойлашган таълим даргоҳларининг ҳамон мавжудлиги ачинарли, албатта. Бироқ, айни дамда вақт ва маблағ талаб қиладиган эмас, балки бевосита инсон омилига дахлдор муаммо ҳақида сўзлашсак...

Гап шундаки, жамиятимизда азалдан "қолоқ" ўқувчи тушунчаси чуқур илдиз отган. Аъло баҳоларга ўқиган ўқувчи учун имтиёзлар кўп, аммо синфнинг "қолоқ" ўқувчиси кундалигига "қониқарли" ёки "қониқарсиз" деган сўзлар қайд этилади, холос. Аксарият муаллимларнинг эътибори эса табиийки "бешчи" ўқувчига қаратилади, уни фан олимпиадаларига тайёрласа, юзи ёруғ бўлишини ўйлайди...

Аслида, баъзи ўқувчилар фақат маълум фанлардан оқсайди, лекин ўзига хос бирон бир жиҳати билан ажралиб туради. Мисол учун, мактабда бир синфдошимиз аъло ўқишга ҳеч қизиқмасди. Жуда тўполончи эди. Фақат синф раҳбаримиз билан очиқ ва эркин суҳбатлашарди. Улар доим: "Сени қўлингдан кўп иш келади. Чунки, сенинг шахсий фикринг бор. Ҳаракат қилсанг, катта ютуқларга эришасан", деб таъкидлардилар. Ҳозир ўша синфдошимиз чет элдаги халқаро университетда ўқийди, кичик бўлса ҳам тадбиркорлик билан шуғулланади. Энди билсам, энг керакли нарса бу иштиёқ, мотивация ва яқинларинг ишончи экан.

– Баъзи инсонлар ҳаётда ўз йўли ва касбини тополмайди, – дейди психолог Дилдора Раҳимова. – Бунга кўп ҳолларда ташқи таъсирлар ҳам сабаб бўлади. Аксарият ҳолларда эса ота-оналар фарзандларининг иқтидоридан келиб чиқиб эмас, балки ўз истакларига қараб уларнинг келажагини белгилашади, ҳатто босим ўтказишади. Бу нотўғри. Аксинча, ота-она боласининг имконияти ва иқтидорини тўғри баҳолаб, ўқитувчилар билан бамаслаҳат иш юритиши, биринчи навбатда, фарзандининг қизиқишларини ҳурмат қилиши лозим.

Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА, ЎзЖОКУ талабаси

КУРАШ: ГАЛАБАГА ҲАЛОЛ ЙЎЛ

Бир неча кундан бери Олмалиқ шаҳри кураш бўйича катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатига мезбонлик қилмоқда.

15 вазн тоифасида 300 нафардан зиёд йигит-қизлар ўртасида ўтказилаётган беллашувга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан энг кучли полвонлар ташриф буюришган.

– Мазкур мусобақани ўтказишдан асосий мақсад – Миллий кураш федерацияси терма жамоасининг асосий ва захира таркибини аниқлаш ва сараланганларни келгуси халқаро мусобақаларга тайёрлашдир, – дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Комилжон Одилов.

Енгил вазн тоифасидаги дастлабки баҳсларда 184 нафар иштирокчи қатнашди.

Мусобақалар давом этмоқда.

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ПАРКЕНТ туманидаги Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатиб келаётган "Дилфуза дизайн" масъулияти чекланган жамиятида пахта хом ашёсидан кенг турдаги кийим-кечаклар тайёрланади.

– Корхонамизда тикилаётган кийим-кечаклар турли касб ва ёш вакиллари учун мўлжалланган, – дейди раҳбар Дилфуза Шамсутдинова. – Маҳсулотимизнинг соф табиий матодан тайёрланаётгани харидорларга, айниқса, маъқул бўлмоқда. Дизайнерларимиз маҳорати туфайли корхонамиз маҳсулотлари маркетинг компанияларининг эътиборини тортмоқда.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ тумани тиббиёт бирлашмасининг Отажонов номли қишлоқ врачлик пункти тўлиқ реконструкция қилинди.

– "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинининг 3 минг 700 дан ортиқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатамиз, – дейди қишлоқ врачлик пункти раҳбари Коммуна Аппақхўжаева. – Эътиборимизни аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлиғини сақлашга қаратганмиз. Беморларни ихтисослаштирилган тиббий муассасаларга юборамиз, касаллик, шикастланиш, ногиронликнинг олдини олиш ва камайтириш бўйича чора-тадбирлар ўтказамиз, профилактик ва мақсадли тиббий кўриклар ташкил қиламиз. Шунингдек, аҳоли орасида ичкиликка ружу қўйиш ва гиёҳвандликнинг хавфлари тўғрисида тушунтириш олиб борамиз, соғлом турмуш тарзини тарғиб қиламиз.

ПИСКЕНТ туманидаги "Lotus textile" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги ўзбек-турк қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан Россияга экспорт қилинмоқда.

– Корхонамиз цехларига Японияннинг дунёга машҳур "Juki" корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган юқори тезликда ишловчи тикув машиналари ўрнатилган, – дейди корхона мутахассиси Тугай Челик. – Бундай дастгоҳларда тикилган кийимларнинг чоклари ўта мустаҳкам бўлиб, узоқ вақт ўз сифатини йўқотмайди. Иш жараёнида энг майда деталларгача эътибор қаратганимиз боис, харидорлар мамнун. Корхонамизда 165 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган.

Мансур ҲИММАТОВ ва Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Фермерларга мурожаат

ДАРОМАДНИНГ ПИРОВАРД НАТИЖАСИНИ КЎРИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳурматли фермерлар!

Азал-азалдан халқимиз нонни энг улуғ неъмат дея қадрлаган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ғаллачилик иқтисодиётимизнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги натижасида катта харажатлар эвазига четдан дон олиб келинишига барҳам берилди.

Соҳага илмий асосланган агротехнологияларнинг жорий этилиши, уруғчилик тизимининг такомиллашиши ҳамда янги серҳосил навларнинг яратилиши натижасида кафолатланган ҳосил олиш имконияти пайдо бўлди.

Энг асосийси, муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бошоқли дон етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада оширишга қаратилган қулай агробизнес муҳитини яратиш орқали **"давлат буюртмаси"**дан босқичма-босқич воз кечиш белгилаб берилди.

Ушбу таклиф фермер ва деҳқон хўжаликларининг азалий орзуси бўлиб, ўзининг тарихийлиги билан соҳада туб бурилиш ясади.

Албатта, **ҳар қарич еримиз зарга тенг** эканлигини тушуниб етган фермерларимиз бугунги кунда ғалла майдонларида баҳорги биринчи озиқлантириш ва пешма-пеш шарбат усулида суғориш ишларини амалга ошириб, кафолатланган юқори ҳосил ва даромад олишга пухта замин яратишмоқда.

Аммо, ҳудудларда масъулиятни тўлиқ ҳис этмаган, ғалла парваришида агротехник тадбирларни ўз вақтида ва тизимли амалга оширмаётган айрим фермер хўжаликларининг фаолияти бугун барчани ташвишга солмоқда.

Жойлардан олинган маълумотларга кўра, 2020 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари кеч экилган ва ўз вақтида суғорилмаган ҳамда агротехник тадбирларга риоя этилмаган республика бўйича 48 минг гектар ёки 4,4 фоиз, жумладан, Қашқадарё вилоятида 12 минг гектар, Жиззах вилоятида 10 минг гектар, Самарқанд вилоятида 8 минг гектар, Наманган вилоятида 7 минг гектар, Сирдарё вилоятида 6 минг гектар, Тошкент вилоятида 5 минг гектар майдонда ғалла туплаш фазасига кирмаганлиги ишимизда ҳали ҳам камчиликлар борлигидан далолат беради.

Ҳурматли фермерлар!

Бошоқли дон экинларини парваришлаш қилиш бўйича белгиланган агротехник тадбирларни ўз муддатида ўтказиш ҳисобига кафолатланган ҳосил олишни таъминлаш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш, юқори ҳосилдорлик ва иқтисодий даромадга эришиш мақсадида ғалла парваришида белгилаб берилган **"Зарбдор 30 кунлик"** да қуйидаги муҳим агротехник тадбирларни амалга оширишингизни сўраймиз:

Биринчидан, ривождан орқада қолган майдонларда ғалланинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир контур учун ишлаб чиқилган "**йўл харитаси**" да белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш;

Иккинчидан, ғалла майдонларини озиқлантириш учун ажратилган азотли минерал ўғитлар билан **1-15 март** кунлари (**300 кг.дан**) иккинчи озиқлантириш тадбирларини ўтказиб, пешма-пеш шарбат усулида суғориш ишларини ташкил этиш;

Учинчидан, ғалла майдонларида бегона ўтлар, занг ва бошқа касалликлар ҳамда зарарли ҳашаротлар кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида март ойида "**тўртлик аралашма**" билан биринчи ишлов беришни штангали пуркагичлар ёрдамида амалга ошириш;

Тўртинчидан, миришкор деҳқонларимиз, тажрибали ғаллакорларимиз ҳосилдорликни кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш учун маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиб келишганини ҳисобга олиб, ҳар бир контурнинг сув кириш жойида ҳандақлар қазиш, гектарига қўшимча яна **5-6 тоннадан** маҳаллий ўғит жамғариб, ғаллани шарбат усулида суғоришни ташкил этиш ва чорва моллари пайҳонидан сақлаш чораларини кўриш;

Бешинчидан, ғалланинг дуркун ва баравж ўсиб, ривожланишини таъминлаш мақсадида март ойида қўшимча бир марта ва мавсумда камида **уч марта** баргидан озиқлантириш ишларини амалга ошириш;

Олтинчидан, ғалла ўрим-йиғимида қатнашадиган дон ўриш комбайнларини таъмирлаш ишларини якунлаб, **1 апрелга қадар** тайёрлов чизиғига қўйиш.

Қадрли фермерлар!

Бугун халқимиз Сизни **ризқ-рўзимиз бунёдкорлари** деб улуғлаб, азму шижоатингиз, ғайрат ва матонатингизга кўз тикиб турганини бир зум бўлса-да, эсдан чиқармаслигингиз керак.

Дастурхонимиз тўкин-сочин, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон, турмушимиз фаровон бўлиши Сизу бизнинг машаққатли меҳнатимизга боғлиқ. Бозорларимизни гўшт, сут, тухум каби муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда мазкур тармоқнинг роли нақадар катта эканини унутмайлик!

Бу йилги мавсумда улкан хирмон барпо этиб, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши ҳаммамизга насиб этсин!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Агроинспекция"

БЕПАРВОЛИК — ҳаёт учун хавфли

Хабарингиз бор, ўтган йиллар мобайнида ис газидан заҳарланиш ҳамда ҳаво-газ аралашмаси натижасида чақнашлар билан боғлиқ фавқулодда ҳодисалар кўплаб қайд этилди.

Мутахассис огоҳлантиради

Маълумки, ис гази (CO) рангсиз, ҳидсиз, айниқса, корхона шароитида энг кўп учрайдиган заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида вужудга келади. Тутун таркибида 3 фоиз, ишланган газда 13 фоиз, портловчи газлар таркибида эса 50-60 фоизгача ис гази бўлади.

Шамоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддалар ишлаб чиқарадиган корхоналарда, автоуловлар ёпиқ турарғоҳларида, янги бўёқдан чиққан хоналарда, шунингдек, уй, ҳаммом, дам олиш палаткаларида ёнувчи модданинг

тўлиқ ёнмаслиги натижасида заҳарланиб қолиш мумкин.

Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 маротаба кучли бирикма — карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, яна ҳам оғирроғи – аноксия ва ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин.

Хонадаги ис газининг атиги 0,1 фоиз концентрацияси инсон организми учун ўлим даражасида хавфли ҳисобланади.

Аксарият ҳолларда ис газидан заҳарланиш ва газдан чақнашлар табиий газ ёки муқобил ёқилғи турларида ишловчи иситиш печлари ва бошқа жиҳозлардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик, ностандарт (қўлбола ясалган) ва чет элда ишлаб чиқарилган сертификатга эга бўлмаган иситиш ускуналари, газ сўриш насосларидан фойдаланиш оқибатида юзага келаётгани аниқланди.

Афсуски, жойларда олиб борилаётган тушунтириш ва тарғибот тадбирларига қарамасдан аҳоли орасида табиий ва ис газидан заҳарланиш, турли хил тан жароҳатлари олиш билан боғлиқ нохуш ҳолатлар учрамоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса табиий газ, иситиш печлари, қозонхона ва мўриконлардан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Агар хонага газ тўлиб қолганини сезсангиз, дарҳол газни тармоқдан ўчиринг, эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатинг. Зинҳор хонада электр жиҳозларини ёқманг, ёниқ бўлса ўчирманг. Агар газ чиқаётган жойни ўзингиз аниқлай олмасангиз, газ идоралари авария таъмирлаш гуруҳига, фавқулодда вазиятлар идораларининг тегишли хизматларига зудлик билан мурожаат қилинг.

Шуҳрат ЭСОНОВ,
вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин назоратини ташкил этиш ва профилактика бўлими бошлиғи

Тошкент вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси жамоаси Бекобод шаҳар саноат касб-ҳунар коллежи директори **Абдурашид ТОШТЕМИРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЭЪЛОН

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш юзасидан 2020 йил 11 март куни ўтказиладиган йўналишлар рўйхатига ВХ-653 й.т. "Нурафшон АШБ – Оҳангарон АШБ" ҳамда ВХ-616 й.т. "Бўка АШБ – Олмалиқ АШБ (Сувти орқали)" йўналишли такси йўналишлари техник хатолик туфайли киритилганлиги сабабли, ВХ-653 й.т. "Нурафшон АШБ – Оҳангарон АШБ" ҳамда ВХ-616 й.т. "Бўка АШБ – Олмалиқ АШБ (Сувти орқали)" йўналишли такси йўналишлари бўйича 2020 йил 11 март куни тендер ўтказилмаслигини маълум қиламиз.

Асос:

– ВХ-653 й.т. "Нурафшон АШБ – Оҳангарон АШБ" йўналишли такси йўналишида хизмат кўрсатиш юзасидан тузилган тендер контрактининг амал қилиши 2020 йил 27 декабргача.

– ВХ-616 й.т. "Бўка АШБ – Олмалиқ АШБ (Сувти орқали)" йўналишли такси йўналишида хизмат кўрсатиш юзасидан тузилган тендер контрактининг амал қилиши 2020 йил 2 августгача.

Тошкент вилояти транспорт бошқармаси

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ

ДИРЕКТОРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Тажриба тариқасида Халқ таълими бўлими мудири, умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига танлов ўтказиш тартибини жорий этиш тўғрисида» ги 378-сонли буйруги ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси қуйидаги вакант ҳисобланган туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари ва умумтаълим мактаби директори лавозимига танлов эълон қилади.

Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси қуйидаги туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудири вакант лавозимларига танлов эълон қилади:

Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими мудири;
Қибрай тумани халқ таълими бўлими мудири;
Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

Халқ таълими бўлими мудири лавозимига танловда иштирок этувчи номзодларга қўйиладиган малака талаблари:

– Олий маълумот;
– Педагогика соҳасида камида 5 йил иш стажи;
– Раҳбарлик лавозимида камида 3 йил иш стажи;
– Етакчилик фазилатларининг мавжудлиги, шахслараро муносабатларни ўрнатиш қобилияти, ташкилотчилик ва масъулиятлилик;
– Якка тартибда ва жамоада ишлаш, низоларни ҳал қилиш қобилияти;
– Ташаббускорлик, ижодкорлик, стрессга чидамлилик, қарорларни қабул қилиш қобилияти;
– Тадбиркорлик кўникмалари;
– MS Office, Internet компьютер дастурларини мукаммал билиши;
– Ўзбек ва рус тилларини билиши, инглиз тили – мақсадга мувофиқ.

Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси қуйидаги вакант ҳисобланган умумтаълим мактаби директори лавозимига танлов эълон қилади:

Ангрен шаҳри: 6, 19, 23-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Бекобод тумани: 18, 26-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Бекобод шаҳри: 9, 13-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Зангиота тумани: 3, 23, 35, 43-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Қуйи Чирчиқ тумани: 10, 23, 33, 39, 48-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Оққўрғон тумани: 29-сонли умумий ўрта таълим мактаби;
Ўрта Чирчиқ тумани: 2, 5, 15, 22, 29, 20, 68, 70-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Чиноз тумани: 8, 22, 23, 27-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Янгийўл тумани: 12, 14, 25, 37, 47, 57-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Бўка тумани: 20, 43-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Қибрай тумани: 10, 15-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Нурафшон шаҳри: 62, 73-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Оҳангарон тумани: 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби;
Оҳангарон шаҳри: 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби;
Паркент тумани: 9, 11, 15, 29, 30, 35-сонли умумий ўрта таълим мактаблари;
Тошкент тумани: 20-сонли умумий ўрта таълим мактаби;
Юқори Чирчиқ тумани: 7-сонли умумий ўрта таълим мактаби.

Умумтаълим мактаби директори лавозимига танловда иштирок этувчи номзодларга қўйиладиган малака талаблари:

– Олий маълумот;
– Педагогика соҳасида камида 5 йил иш стажи;
– Раҳбарлик лавозимида камида 2 йил иш стажига эга бўлиши;
– Халқ таълими тизимига оид миллий қонунчилик соҳасидан хабардор бўлиши;
– Музокара олиб бориш қобилияти;
– Етакчилик фазилатларининг мавжудлиги, шахслараро муносабатларни ўрнатиш қобилияти, ташкилотчилик ва масъулиятлилик;
– Якка тартибда ва жамоада ишлаш, низоларни ҳал қилиш қобилияти;
– Ташаббускорлик, ижодкорлик, стрессга чидамлилик, қарорларни қабул қилиш қобилияти;
– Тадбиркорлик кўникмалари;
– MS Office, Internet компьютер дастурларини мукаммал билиши;
– Ўзбек ва рус тилларини билиши, инглиз тили – мақсадга мувофиқ.

Танловнинг саралаш босқичлари:

– Тест синовлари (танловнинг биринчи босқичи учун IQ, EQ, менежерлик кўникмаларини баҳоловчи тест);
– Амалий топшириқ – тақдимот тайёрлаш.

Номзодларнинг ўзлари ҳақидаги маълумотлари: Халқ таълими вазирлигининг "Мактаб таълим жараёнини бошқариш тизими" базасида "Бўш иш ўринлари" бўлими (ish.uzedu.uz veb-сайти)га электрон шаклда тақдим этилган ариза ва унга илова қилинаётган ҳар бир ҳужжатнинг ҳақиқийлигини таъминловчи алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатлар «ПДФ» (портабле документ формат) форматида сканер қилинган ҳолда жўнатилади.

Умумтаълим мактаб директорлигига номзодлар ҳамда раҳбарлик кўникмаларини ривожлантиришни истаган малакали ходимлар учун вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан консультатив ўқувлар ташкил этилган. Консультатив ўқувда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Маълумот учун:

Телефон: 0371-231-65-71
Факс: 0371-231-65-71
E-mail: toshkent_vxtb@xtv.uz, toshkent_vxtb@exat.uz

Одатда ёшлар ишонувчан бўлади. Уларнинг ишончи давр муҳитида акс-садо топа олиши керак. Йўқса, мамлакат ва миллат тараққиёти ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Кўз очиб озод ва обод Ватанни кўрган ёшларимиз том маънода бахтли авлоддир. Зотан, мамлакатимиз қорақўзларининг истиқболи йўлидаги имкониятлар кун сайин ортиб бормоқда.

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ёшларимиз ислоҳотлар самарасини ўз ҳаётида ҳис этишмоқда. Айнан шу фикрларимизни Паркент тумани ёшлари ҳаёти мисолида сўзлаб бермоқчимиз.

oshlar HAQIQATI

Вилоят ҳокимлиги Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича котибияти ҳамда "Тошкент ҳақиқати" газетасининг қўшма лойиҳаси

Ҳар бир масалада ташкилий-ҳуқуқий асос муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мамлакат келажаги саналмиш ёшлар учун қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат амалда реал ишлаши керак. Зеро, мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши учун тадбиркорлик салоҳияти бор ёшларни тарбиялаш ва уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш талаб этилади.

Ҳаётбахш кучнинг қудрати

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида юксак минбардан туриб, жаҳондаги барча ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш лозимлигини куюниб гапирди. Бу нафақат ўз мамлакати эртаси, балки икки миллиарддан ортиқ дунё ёшлари учун ҳам қайғуриш эди. Дилдан чиққан самимий таклиф БМТнинг "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция лойиҳаси ишлаб чиқилишига сабаб бўлди.

Албатта, паркентлик ёшлар ҳақида батафсил ёзиш бир мақола доирасига сиғмайди. Биргина ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган шароитлар ҳақида бир дунё гап айтиш мумкин. Лекин, ҳамма гап аслида уларнинг тарбиясида, интилиш ва иштиёқида. Шу боис, туман ёшларининг эртаси ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун муҳим жиҳатларга бир назар ташлашимиз кифоя.

ПАРКЕНТ тумани аҳолисининг сони 152 минг 701 киши бўлиб, улардан 82 минг 973 минг нафарини ёшлар ташкил қилади. Паркентлик йигит-қизлардан иборат "Ёшлар патронаж гуруҳлари" фаолияти мисолида туман ёшларининг хайрли интилиш ва ташаббуслари ҳақида керакли тассуротга эга бўлиш мумкин.

Аслида туманда 25 та патронаж гуруҳи бор. Уларда фидойи ёшлар бирлашиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, боқувчисини йўқотган кексалар ҳолидан хабар олишади, уй юмушларига кўмаклашишади.

ПАТРОНАЖ гуруҳларидаги "Мард ўғлон" давлат мукофоти совриндори Аслиддин Сабриддинов, "Ёш китобхон" Республика кўрик-танлови иштирокчиси Рисолат Махсумова, кураш бўйича Осиё чемпиони Бекзод Абдураимов, эстрада йўналишида Москва шаҳрида ўтказилган халқаро кўрик-танлов ғолиби Шуҳрат Миртурғунов каби истеъдодли ёшлар тенгдошларига ибрат бўлишмоқда.

– Юртимизда ёшларга катта ишонч билдирилаяпти, – дейди "Ёш китобхон" Республика кўрик-танлови иштирокчиси Рисолат Махсумова. – Туманимиз ёшлари ҳам бу ишончни оқлаш йўлида бирлашишган. Мақсадимиз аниқ. Биз Ватанимизга, миллатимизга четдан туриб маломат, тухмат тошини отаётганларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтара олиш даражасига эришишимиз керак. Бунинг учун ошкоралик даврининг аҳамиятини чуқур тушуниб, ҳаётимиз ҳақида рўй-рост, борича гапиришимиз лозим. Кимнинг атрофида бирлашган маъқул, деган турли чақириқларга алданмасдан, Юртбошимиз ёнида ҳамжиҳат бўлиб, мустаҳкам туришимиз бахту саодатимизни таъминлайди.

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

Китоб ўрмаган им бор?

Инсонда меҳр ва ғазаб, қувонч ва қайғу туйғулари тўғри шаклланса гина у оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олади. Шу маънода, туман ёшларини маънавий баркамол этиб тарбиялашда энг катта омил – оммавий китобхонликдир. Айни мақсадда мактабларда, маҳаллаларда "Ёш китобхон", "Зукко китобхон", "Китобхон оила", "Энг яхши китобхон маҳалла", "Энг яхши иншо" танловлари ҳамда китобхонлик викториналари тез-тез ўтказиб борилади. Тумандаги жами 56 та маҳалла фуқаролар йиғинида "Халқ кутубхонаси" ташкил этилгани замирида шу эзгу мақсад ётибди.

– Инсон ҳаёти давомида тўғри йўлни осонгина топа олмайди, – дейди туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нурали Ниғматов. – Бунинг учун фикри теран, дунёқараши кенг, қалби тоза инсонлар билан кўпроқ мулоқот қилиш керак. Бундай одамлар, албатта, китоб кўрган бўлади. Уларни ҳар бир маҳаллада, ҳар бир илм масканида ёки меҳнат жамоасида учратиш мумкин. Айни шу фидойи инсонлар кўмагида ёшларимизни китобхонликка ўргатиб боришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳоким ўринбосари сўзида давом эта туриб, бизга айрим ҳужжатларни кўрсатди. Улардан бирида 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг қизиқишларини ўрганиш, китобхонликка ва турли тўгаракларга жалб қилиш мақсадида тузилган 56 та ишчи гуруҳ фаолиятига доир маълумотлар қайд қилинган экан. Синчиклаб танишиб чиқдик. Ишчи гуруҳлар томонидан хонадонма-хонадон юриб, ёшлар билан суҳбатлар ўтказилиб, йигит-қизларнинг қизиқишлари аниқланган. Рақамлар билан айтганда, улардан 6 минг 266 нафари ёки 12,5 фоизи ўз келажагини маданият ва санъат йўналишида кўрар экан. 9 минг 774 йигит-қиз ўзини китобхон, деб билади. Ахборот технологиялари йўналишига қизиққанлар эса 5 минг 965 нафарни ташкил қилади. Спорт билан эса 17 минг 794 нафар ёш шуғулланишни истайди. Тадбиркорликни хоҳловчилар 1 минг 604 тага етибди. 8 минг 671 нафар қиз тикувчилик қилади. Қолган ёшлар ҳам турли касбларни кўрсатишган бўлиб, уларнинг ҳар қандай орзу-интилиш ва муаммолари мутасаддилар томонидан алоҳида эътиборга олинган.

Ҳозирги кунда туманда 53 та умумтаълим, 1 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 2 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Уларнинг моддий-техник базасини замон талаблари даражасида янгилаб бориш алоҳида назоратга олинган. Айниқса, таълим муассасаларидаги китоб фондининг бойитиб борилиши натижасида, бугунга келиб адабиётлар сони 54 минг 600 тани ташкил қилади. Бундан ташқари, ахборот-кутубхона марказлари 20 мингдан ортиқ китоб фондига эга. Илгари туманда 10 та тўгарак фаолият юритган бўлса, ҳозир уларнинг сони 60 тага етган.



Аслиддин САБРИДДИНОВ, "Мард ўғлон" давлат мукофоти совриндори

КЕТАСАН

Кетасан ортингдан қолган кўзларим.
Кетасан тилимдан чиқмайди: "Тўхта".
Ичимда қичқирар қанча сўзларим,
Кетасан қўйилар баригa нуқта.

Алвидо... қўлимдан сирғалиб аста,
Силкиниб тушади покиза қўллар.
Муҳлар ўсиб чиқар ҳар бир нафасдан,
Энди манзил бошқа, бошқадир йўллар.

Бўлди бас бораҳол, куттирма узоқ,
Қўйгин, имтиҳон ҳам қилма сабримни,
Ногаҳон соғинсанг, эласанг, э вох,
Шу ердан топасан менинг қабримни.

Кетасан, баригa қўйилган нуқта,
Кетасан тилимдан чиқмайди: "Тўхта".

ТАШАББУСГА – "КЎК ЧИРОҚ"

Бу борада Паркент туманида ўтган йил "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури доирасида тузилган манзилли рўйхатга асосан, **13 нафар** бошловчи тадбиркорнинг лойиҳаларига жами **4 млрд. 338 млн. сўм маблағ** ажратилди. Натижада, Муаззам Ҳусанова мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлади, Холиса Додаматова ҳўл мевалар сақлашни йўлга қўйди. Мунисса Бойматованинг гўзаллик салони ва кўрсатаётган компьютер хизматларидан кўпчилик мамнун. Шунингдек, Ҳасанбой Ҳакимхўжаев металлга қайта ишлов бериш, Зарина Раҳимжонова туризм хизматлари кўрсатиш, Азиз Бойбусинов ғишт ишлаб чиқариш, Жаҳонгир Топилов автомобилларга техник хизмат кўрсатиш орқали туман иқтисодига ўзига хос ҳисса қўшишмоқда.

Бундан ташқари, туманда банд бўлмаган ёшлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва иш берувчи корхона-ташкилотлар иштирокида меҳнат ярмаркалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўтган йили мазкур тадбирлар давомида тумандаги мингга яқин ёшлар ўз қизиқиш ва хоҳишларига мос ишга эга бўлишди.

ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМ

Мамлакатимиз ёшларини ёт ғоялар ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи. Туман ёшлари ҳам бу эътибордан четда қолаётгани йўқ. Кам таъминланган ёш оилалар ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, Хушнуд Ярматов, Искандар Маҳаматов Садоқат Дадаева, Акмал Нурматовларга 2018 йил ҳисобидан "Ёшлар уйлари"дан имтиёзли ипотека кредити асосида сотиб олиш учун бошланғич бадаллар тўлаб берилган. Айни кунларда эса Мирҳалил Мирқўзиев, Жавлон Иштоев, Нодирбек Мирқўзиев, Сайфиддин Пахмиддинов ҳам уй-жойли бўлиш арафасида. Шунингдек, 45 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ёшлар доимий эътиборда.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ҳам босқичма-босқич турли тикув цехлари ташкил этилмоқда, яқиндан буён 200 нафардан зиёд хотин-қизлар шу тарика иш билан таъминланди.

Айни шу мақсадда биринчи сектор ҳудудидаги "Шампань" ва "Бўрсилиқ" маҳаллаларида 2 та, иккинчи секторга тегишли "Гулбоғ" маҳалласида 1 та, учинчи секторга бириктирилган Ойбек номли ва "Марказий" маҳалласида 2 та тикувчилик цехи ишлаб турибди.

Бундан ташқари, биринчи сектор ҳудудидаги "Шампань" ва "Янгиобод" маҳаллалари ҳудудида замонавий тикувчилик корхонаси ташкил этиш учун 0,3 гектар ер майдони ажратилган.

Туманда режа бўйича Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий Кенгаши қошидаги Республика ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази билан ҳамкорликда "Барчаси ўз кўлингда!" лойиҳаси доирасида "Психологлар кўмаги ойлиги" ташкил этиб борилади. Ойлик доирасида туман ички ишлар бўлимида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар иштирокида "арт-терапия" психологик тренинглар ўтказиб келинаяпти.

Паркент туманида айни кунда турли ташкилотларда меҳнат қилаётган раҳбарлар орасида 10 нафарини ёшлар ташкил қилади.

Улардан икки нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академиясида ўз малакаларини оширмоқда.

Паркентлик ёшлар ҳаёти билан танишар эканмиз, мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган мутлақо янги тизимнинг аҳамиятини янада теранроқ англадик. Айниқса, ўқтам ва шижоатли йигит-қизларнинг Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси билан фаоллик кўрсатаётгани, Янги Ўзбекистонни барпо этишда уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси кўринаётганидан қувондик.

Саҳифани Абдусалим МАҲМУДОВ / Тошкент ҳақиқати / тайёрлади

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳих Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Равшан БАЙЖАКОВ

Буюртма Г-243. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 12 830 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.00 1 2 3 4 5 6